

ИМКОНИАТ МАЙДОНИ

СИРДАРЁ ВА ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ АВСТРИЯДА

бўлиб ўтган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг биринчи кўргазмасида намоиш этилди

Европадан қувончли хушxabар келди: «Дунё» АА тарқатган хабарда Вена шаҳрида Ўзбекистоннинг Австриядаги элчихонаси «Hilfswerk International» (HWI) халқаро жамғармаси ва Марказий Осиё давлатларининг Австрияда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намоиши илк бор ташкил этилди.



Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг аграр, экспорт ва сайёҳлик салоҳиятини намоён этиш, австриялик тадбиркорларни «Made in Uzbekistan» бренди билан таништириш, мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Австрия ишбилармон доиралари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишдир.

Ўзбекистон учун ажратилган бурчакда Европа Иттифоқи бозоридаги энг оммабop қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намоиш этилди. Жумладан, майиз, ёнғoқ, ўрик, қуритилган ўрик, олма, тут каби мевалар, бoдринг, лавлаги, сабзи, шунингдек, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида етиштирилган қовун турлари намоиш этилди.

Кўргазмада Иқтисодиёт вазирлиги, Австрия Ташқи ишлар вазирлиги, Федерал иқтисодий палата, Вена шаҳрида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, мезбон давлат ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек, Вена шаҳрида истиқомат қиладиган ватандoшлар билан бирга Австриянинг Rewe Group, Billa, Spar Group, Metro каби етакчи импортёр-компаниялари ва бошқа савдо тармоқларининг юздан зиёд вакиллари иштирок этди.



БУ - МЕНИНГ
КОНСТИТУЦИЯМ!

ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ ЯРАТИЛАДИ

25 июнь – 5 июль. Конституциявий ислохотлар бўйича умумхалқ муҳокама-си ўтказилиши учун белгиланган бу ўн кунлик муддат биз учун кўпми ёки оз? Бемалол фикрлашиш, таклиф билдириш учун етарли деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, жиддий сиёсий жараён давом этаётир. Муҳокамалар, мунозаралар қизияпти. Ҳар бир ҳудудда кенг жамоатчилик умумхалқ ишида фаол қатнашапти. Ўйлаймизки, умумхалқ муҳокама-сига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламига етказиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар кўнгилдагидек кечмоқда. Бу юртимизнинг турли гушаларида ўтказилаётган жонли мулоқотлар, учрашувларда ўз исботини топмоқда.

Қизгин жараёнларда О'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, фаоллар иштирок этиб, конституциявий ислохотлар ўтказишдан кўзланган эзгу мақсадларимизнинг нечоғлик муҳимлигини тушунтиришмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси раҳбари, партия Сийосий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов Шаҳрисабз шаҳридаги 1-касб-хунар мактабида конституцион ўзгаришлар мавзусига бағишланган тадбирда қатнашди.

Партия лидери таъкидлаганидек, қонун лойиҳасига кўра «инсон – жамият – давлат» принципига асосланган ҳолда Бош қомусимизнинг 60 дан ортиқ моддасига 170 дан ортиқ тузатиш киритиш назарда тутилган. Шунингдек, Президентимиз 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича янги, истиқболли йўналишларни белгилаб бергани ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди. Масалан, амалдаги Конституциянинг 41-моддасини «Давлатга қарашли, хусусий ва бошқа шаклдаги таълим муассасалари ва ташкилотларини ривожлантириш учун давлат тенг шароитлар яратади» деган мазмунда ўзгартириш таклиф этилаётгани айтилди. Савол-жавоблар руҳида ўтган йиғилиш кўпчиликда катта таассурот қолдирди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ботирбек Тўразода Хоразм вилоятининг Бoғот туманида ўтказилган тадбирда Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, аввало, «Инсон қадри учун» деган тамойилни рўёбга чиқаришини урғулади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқинжон Каримов Андижон вилояти Марҳамат туманидаги сайловчилар ҳузурда бўлиб, давлатимиз раҳбарининг конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда энг асосий йўналишлар юзасидан айтган таклифлари хусусида атрофлича тўхталиб ўтди.

Давоми 3-саҳифада. ►►



ЭНГ КАМ МИҚДОР
ЯШАШ УЧУН
ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

2с.



ЗАФАРОБОДДА
УНУТИЛГАН
МАҲАЛЛА
БОР...

5с.

ВОРИСИЙЛИК
ДАЪВОСИ
ЎЗИНИ
ОҚЛАЙДИМИ?

3с.



ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ
ҲАМ ТУШГА
АЙЛАНДИ

6с.





Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий масалалар
қўмитаси раиси,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 20 июнь кунини Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда ўткир, долзарб ва аниқ таклиф, амалий ташаббусларни илгари сурди. Айниқса, Бош қомусимизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни мустақамлаш таклиф этилдики, бу энг тўғри ва оқилона қарор бўлди, десам муболаға қилмайман. Нега десангиз, “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизда аввало инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам.


Ижтимоий давлат эса ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шартларини яратиб беради. У – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир. Шунингдек, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. Шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етарли иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шартини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади. Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ислохотлар замирида ҳам ана шундай изчил мақсадлар кўзланган.

Агар халқаро тажрибани кузатадиган бўлсак, ижтимоий давлат деганда Германия, Финляндия, Австрия ва бошқа ривожланган давлатлардаги аҳолининг ҳаётга интилишида кўриш мумкин. Осиё мамлакатлари – Япония, Жанубий Кореяда ҳам шундай давлатчилик ривожланиб бормоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳасида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор нормалар ўз ифодасини топган.

Хусусан, Конституциямизнинг 37-моддасига бир қатор қўшимчалар киритилиб, “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шартларидан ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситилишларсиз ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга”лиги белгиланмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (27-модда), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (11-модда), Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдо-



рини ўрнатиш тартиб-таомилларини яратиш бўйича 1928 йилдаги конвенция, Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш бўйича 1970 йилдаги конвенция талабларига асосан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини Бош қомусимизда акс эттириш зарурати келиб чиқадиган эди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг 37-моддасига “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи яшаш учун етарли бўлиши кераклиги” тўғрисида қўшимча норма киритилганлиги аниқ мундого бўлди.

Жумладан, ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши, ҳар бир ишловчи аёл ҳомиладор бўлган тақдирда ва туғиш даврида ҳақ тўланадиган таътилга ҳамда янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш учун таътилга ёки болани фарзандликка олиш учун таътилга чиқиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг 38-моддасида эса ёлғаниб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига, дам олиш ва байрам кунлари, ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътилга чиқиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида янги банд қўшилмоқда. Бу ҳам ёлғаниб ишлаётган кўп қабил фуқаролар-

римизни ўйлантираётган масалани Конституция даражасидаги ечим бўлади, десак янглишмаймиз. Ушбу қўшимча билан нафақат ёлғаниб ишлаётганлар, балки барча шахслар дам олиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилмоқда. Мазкур моддада ходимларга нафақат меҳнат таътили бериш, шунингдек, иш вақтининг давомийлиги, дам олиш ва байрам кунлари ҳам қонунларда аниқ белгилаб қўйилиши кўрсатилган. Бундай нормалар ходимларнинг дам олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Сир эмаски, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга боғлиқ бўлмаган шартларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган. Шу ва кўп қабил фуқароларимизнинг тақдирларига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш ҳамда ҳар бир шахснинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишга алоҳида эътибор берилишини Бош

қомусимизда мустақамлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқиб, Асосий қонунимизнинг 39-моддасида пенсияларнинг, нафақаларнинг, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шартлар яратиши, пенсия, нафақалари ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини белгилаши, ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд ва кам таъминланган, уй-жой шартларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаши каби нормаларнинг киритилиши ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришга муҳим асос бўлади. Эътиборли томони, аҳолининг бир миллионга яқин қисmini ташкил қилувчи ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ нормалар минглаб фуқароларимизнинг дилидаги гап бўлди. Мисол учун мазкур моддада давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун зарур шартларни яратиши, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, ҳисобга олмастик, четлатиш, ҳусусан, Фарғона вилоятидаги бир қатор туман ва шаҳарларда ана шу мақсаддаги тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда сайловчилар, минглаб фуқароларимиз билдирган таклиф ва мулоҳазалар инobatта олинмоқда.

Ҳозирги кунда жорий йилнинг 25 июнидан бошлаб 5 июлга қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти республикамизнинг барча ҳудудларида кенг тарғиб қилинмоқда. Бу жараёнда Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу қонун лойиҳасини аҳолига етказишда фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятидаги бир қатор туман ва шаҳарларда ана шу мақсаддаги тадбир ва учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда сайловчилар, минглаб фуқароларимиз билдирган таклиф ва мулоҳазалар инobatта олинмоқда.

Албатта, юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатнинг асосий мақсади ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит ҳамда қулайликларни яратишдан иборат. Демак, ҳаммамиз юрт келажаги ва Ватанимиз тақдирини, эртанги фаровон келажагимиз учун бу жараёнда ўз тақдиримиз билан фаол иштирок этишимиз лозим.

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА



Хуршидаҳон ХАЛИЛОВА,
O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши
раиси, халқ депутатлари Андижон
вилоят кенгаши депутати

Давлат раҳбари илгари сураётган ташаббуслар моҳиятини жамиятимизда кечаётган қизгин жараёнлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг нақадар жиддий аҳамиятга молик эканлигига амин бўламиз.

Оддий мисол, узоқ йиллар биринчи навбатда давлат олдида турган вазифа ва муаммоларни ҳал қилиш, муҳим масалаларга давлат манфаатлари нуқтаи назардан ёндашиш, шундан сўнггина жамият ва инсон турмуши билан боғлиқ муаммолар ҳақида ўйлаш амалиёти ҳужм сурди. Ё ёлғанибми? Шу боис ҳам керак бўлса ҳозиргача айрим ҳуқуқий ҳужжатларда давлат манфаатлари устуворлиги кўзга ташланади. Кейинги йилларда эса “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили ислохотларнинг бош қондасига айлантилди. Келажақда ушбу тамойил асосида амалга ошириладиган ўзгаришлар тенденциявий тус олиши учун энг аввало “инсон – жамият – давлат” тамойилини конституциявий норма сифатида мустақамламоқ зарур.

Масалан, хусусий мулксиз, унинг ишончли кафолатсиз кучли ижтимоий давлатни қуриш мумкин эмаслигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз-ку! Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтириш таклифи илгари сурилди. Ривожланган давлатлардаги каби шундай тартиб ўрнатилиши лозимки, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли тоvon пулисиз, мулкдан маҳрум этилмасин. Ёки ҳамон кўпчилик тадбиркорларни қийнаётган муаммолардан бири давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласини ҳам Конституциявий қоида сифатида белгилаш лозимлиги қайд этилди. Иқтисодиётимизни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш бежиз кун тартибига чиқмаётир. Бу каби ҳаётий заруратлар замирида фақат ва фақат инсон манфаати мужассам.

Демак, мамлакат Асосий қонунига ўзгаришлар киритишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.



Бегзод ТЎРАЕВ,
Охангарон туманлараро
иқтисодий судининг раиси

ҲЕЧ КИМНИНГ УЙИ РОЗИЛИГИСИЗ БУЗИЛМАСИН

Хусусий мулкнинг қонуний ҳимоясини таъминламасдан туриб, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш мушкул вазифа.

Шу мақсадда 2012 йилда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Аммо хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва кўрилатган чораларга қарамадан ўзбошимчилик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз важдар билан кўчмас мол-мулкни бузиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Шунинг учун қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хусусий мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ мазкур муаммоларни вазият ва бўшлиқларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш ва бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш лозим.

Шу сабабли, Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлган учрашувда ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтди: “Халқимиз орасида “снос” деган ном билан машҳур бўлган муаммо бор. Бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозим. Яъни, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойдан маҳрум қилинмаслиги керак. Иморат бузилишига тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг

қийматига мос равишда компенсация тўлаши шарт. Уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг рухсатсиз кириш, уларни кўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши Конституцияда қатъий белгиланиши даркор”.

Яна таъкидландики, хусусий мулксиз, унинг ишончли кафолатсиз кучли ижтимоий давлатни қуриб бўлмайдми. Шу боис, Асосий қонунимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтиришимиз лозим. Яъни мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли тоvon пулисиз мулкдан маҳрум этилмасин. Шу билан бирга, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласини ҳам Конституциявий қоида сифатида белгилашнинг вақти-соати келди, деди юртбошимиз.

Хулоса қилиб айтганда, Бош қомусимизда хусусий мулк кафолатларининг аниқ ва равшан белгилаб берилиши, юртимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлашнинг мустақамлашига олиб келади.



Аждодларимиз учун биз келажак эдик. Ул нуруний сиймолар бизга муаззам тарихни мерос қилиб қолдиришди. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланяпмиз, салафларимиз меросини дунёга кўз-кўз қил-япмиз. Аммо бу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, ворисийликни таъминлаяпмизми, уларга муносиб авлод бўла оляпмизми?! Буюк аждодларни қуруқ эслаш, фахрланиш билан иш битмайди. Билъакс, уларнинг ибратли ҳаёт йўли, илм-фан ривожига учун қўшган ҳиссаларидан улги олиш ва боқий анъаналарни муносиб давом эттирмақ лозим.

ВОРИСИЙЛИК ДАЪВОСИ ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИМИ?

Ортимиздан келатган авлод-чи, улар биз билан қандай фахрланиши ҳақида жиддийроқ ўйлаш вақти етди



Туронзаминда Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари, тараққиётга туртки бўлган омиллар бор. Тўғри, минтақага ислом дини кириб келгунга қадар ҳам илм-фан, маданият мавжуд бўлган. Аммо тавҳид дини саналган исломнинг Шарққа, хусусан, Туронга ёйилиши минтақада илм-фан, маданият ва маърифатда мисли кўрилмаган тараққиёт даврини бошлаб берди, таъбир жоиз бўлса, буюк портлашни юзага келтирди. Биз буюк объектив ва субъектив омилларни тилга олдик. Гап шундаки, ислом динининг илоҳий-фалсафий муҳияти худудда илм ривожига объектив омил ўлароқ йўл очган бўлса, фозил хукмдорларнинг илм аҳлининг бошини силлаши, уларга ривожлашга шарт-шароит яратиш бергани субъектив омил ўлароқ тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Аждодларимиз бош бўлган иккинчи Ренессанснинг юзага келиш сабабларини ўрганганда, унда диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлиги, муштараклик касб этганига гувоҳ бўласиз. Маърифий ислом булоғидан сув ичган аллома болболаримиз илму ирфон боғини гуллатдилар, дунёга устозлик қилдилар.

Дарҳақиқат, ўтмишда юртимиз худудда, жаҳонда ҳукм сурган салтанатларнинг қай бири илму маърифатни қўллаб-қувватлаган бўлса, тараққиёт чўққиларига кўтарилган ва тарихда муносиб из қолдирган. Дейлик, инсоният тараққиётида Бағдод кутубхонасининг хизмати Араб халифалиги тузган маъмуриятдан кўра улканроқдир. Ёхуд Салжукий хукмдорларнинг Марвадаги, Хоразмишохларнинг Кўҳна Урганчидаги, Сомониёларнинг Бухородаги, Ҳазнавийларнинг Ҳазиндаги, Темурийларнинг Самарқанддаги кутубхоналари ҳам бебаҳо маънавий хазина жамланган эди.

...Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятга келиши арафасида бир ҳодисани ёдга олайлик. 1365 йили мўғулларни Самарқанддан ҳайдаб солган сарбадорларнинг уч раҳнамосини Амир Хусайн Қониғидда меҳмон қилди. Эртасига Эса дорга ошишга буйруқ берди. Буни қарангки, йўлбошчиларнинг бири хунарманд (ахли тижорат рамизи), бошқаси оқсоқол (ҳокимият рамизи) ва учинчиси мудarris (маърифат рамизи) эди. Амир Темур вазиятга аראлашиб, сарбадорларнинг фақат биттаси – мудarrisнинг жонини сақлаб қолтишга муяссар бўлади!

Тарих тилсимларга бой! Кимки маърифатни омон сақласа, элу юрти рўшноликка эришажак, дея башорат қилинганди ўшанда гўё...

Тарих – буюк мураббий, дейдилар. Оқиллар мудом ўтмиш воқеаларидан тўғри хулоса чиқармоқ пайида бўладилар. Хўш, биз-чи, биз нима ис-таётимиз, қанен кетаётимиз? Йиллар ўтиб, авлодлар олдига улкан мар-раларни кўзлаган-у, арзили мерос қолдира олмаган, орзулари рўёбга чиқмаган хомхавл кишиси бўлиб қол-майлик! Болболаримиз сингари ша-рафли тарих яратайлик.

Агар биздан Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун ишчи ни-мадан бошлаш керак, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай **зиёлилар, олимла-римизни ўғитишдан бошлаш керак**, деб жавоб берган бўлар эдик. Яқин тарихимизда Фанлар академияси ёпилиб кетишига бир баҳа қолмаган-

миди? Талай илмий тадқиқот инсти-тутлари фаолиятини тўхтатиб, минг-лаб олимлар фақатгина грантларга кўз тикиб амал-тақал тиричилик ўт-казарди. Бундан кўра савдогарлик-нинг этагидан тутсам бўларкан, дея қанчадан-қанча олимлар илмий фа-олиятдан воз кечиб кетгани ҳақиқат-ку. Балки, давлат ўз тараққиёти рив-ожига илмий соҳадан сезиларли наф қўрмаган, тизимни молиялаштиришни қисқартириб, ўз кунини ўзи кўргани маъқул деган хулосага келганди.

Эслайлик: Шавкат Мирзиёев ҳам президентлик вазифасига ки-ришгандан кейин биринчилар қато-рида олимлар билан учрашди. 2016 йил 30 декабрь кунини бўлиб ўтган илм-фан вакиллари билан учрашувда соҳа ривожига жуда катта туртки бе-рилди. Олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илм-фанни рив-ожлантириш давлатнинг устувор ва-зифаларидан бирига айланди. Аммо ниятини эзгу қилганга яраша қадам-ларни ҳам каттароқ ташлаш замони ҳозир. Куним ўтса бўлди қабилида кун кечириб даври ўтди. Айниқса, тақдир кимгаки олимлик рутбасини инъом этган бўлса, унинг бундай яшашга ас-ло-асло ҳаққи йўқ!

Учинчи Ренессанс пойдеворини қурмоқ учун маърифий жамият ма-конини барпо этиш лозим бўлади. Чун-ки бу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчиси натижасида шаклланади ва тақомил-лашиб боради. Агар давлат маъри-фатли жамият барпо этишга киришса, ривожланиш жараёни жадаллаша-ди. Чунки муҳит шунга мос равишда шаклланса, илғор мақсад ва ғояларга эришиш осон кечади.

Президентимиз томонидан 2022 йилги давлат дастурда **“Янги Ўз-бекистон – маърифатли жамият”** концепцияси ва уни амалга ошириш Миллий дастурини ишлаб чиқиш то-пириғи бежиз берилмади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу борада Рес-публика Маънавият ва маърифат мар-казида ишлар якунланиши арафасида.

Танқид, таҳлил ўз йўлига, аммо мавзу борасида амалий тақлифлар муҳим аҳамиятга касб этади. Шунга кўра, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида айрим амалий тақлифларни ўртага ташламоқчимиз.

Биринчидан, маърифатли жамия-т ғоясини кенг ёйишда дастлабки қа-дам сифатида Ислом цивилизацияси марказида Учинчи Ренессанс билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштиру-вчи тизим йўлга қўйилиши лозим. Ул-кан ғоя-тақлифларни мувофиқлашти-рувчи ваколатли орган бўлмаса, унинг ижроси қийин кечади.

Иккинчидан, халқимизнинг ци-вильзацияси марказининг Бухоро, Урганч, Термиз, Фарғона минтақавий фили-алларини очиб зарур. Моддий-тех-ник жиҳатдан қўллаб-қувватланса бас, филиалларни Республика Маъ-навият ва маърифат марказининг ху-дудий бўлимида ҳам ташкил этиш мумкин. Марказда диний ва дунёвий олимларни бир жойга жамлаб, ил-мий тадқиқотларни биргаликда олиб борилишига шарт-шароит яратиш лозим. Чунки Биринчи ва Иккинчи Ренессанс алломалари – Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Берунийлар на-фақат дунёвий олим, балки диний илмларни пухта ўзлаштирган зотлар бўлганидек, Абу Муин Насафий, Имом Бухорий, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Маҳмуд За-

махшарий, Имом Ғаззолий, Баҳоуд-дин Нақшбанд, Жалолиддин Румий-лар дин пешволиригина эмас, олим-у мутафаккир ҳам эдилар.

Шу билан бирга, диний уламо-ларнинг халқимиз орасида илм аҳли-ни қўллаб-қувватлашлари, пок қалб ва покиза жисм ила олинган дунёвий илм баракоти хусусида амри маъруф қилишлари, буни ёйиш фарзу қарз эканини доимий ўқитишлари зарур-ки, дин ва дунё илмларининг бир мақ-садга бирилашуви тез орада ўз самара-сини бериши шубҳасиз.

Учинчидан, IX–XII асрларда ижод қилган алломаларнинг юртимиз ва жаҳон архив, кутубхона, музей ва қўл-ёзмалар фондларидаги илмий мероси каталогини шакллантириш ва унинг асосида нашр қилинган асарларни эъландан ўтказиш лозим.

Тўртинчидан, Биринчи Ренес-санс даври алломаларининг ҳали дунё юзини кўрмаган, таржима ва нашр қи-линмаган манба ва асарларини ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилди-риш ва чоп қилиш мақсадида алоҳи-да фармон ёки қарор қабул қилиш, унга мувофиқ олим ва таржимонлар-дан иборат республика ишчи гуруҳини шакллантириб, таржима ва нашр қи-лиш ишларини бошлаш керак. Сираси, фарзандларимизга буюк алломалари-ми асарларини ўзбек тилида ўқиш ва танишиш имкониятини яратиш керак.

Биргина мисол, буюк мутафак-кир Абу Райҳон Берунийнинг асар-лари 1968–1973 йилларда 5 жилдда чоп этилган. Аммо кўп жилдлик билан танишар экансиз, коммунистик тузум мафқураси хидини туйгандек бўласиз: Берунийдек мутафаккир илмий ме-росидан атеистик (худосизлик) элемен-тарини топишга зўр берилган. Демак, буюк аждодларимиз асарларини асл муҳиятини сақлаган ҳолда, омонат-га заррача хиёнат қилмай таржима қилиш муҳим вазифадир. Ана шунда халқимиз маърифатини юксалтириш ишлари ҳам тезлашади.

Бешинчидан, бугунги глобал-лашу даврида, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ошаётган бир паллада ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, илмий салоҳиятини ошириш мақсадида жаҳон илм-фани ва адабиётининг дурдоналари, замо-навий илмий ва бадиий адабиёт наму-наларини таржима қилишни тақомил-лаштириш, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ғайбулла ас-Салом, Озод Шарафид-динов, Эркин Воҳидов, Абдулла Ори-пов, Тоғай Мурод, Александр Файн-берг, Асил Рашидов каби таржима мактабининг пешқадам вакилла-рига муносиб издошлар тайёрлаш, Иброҳим Ғафуров, Низом Комил, Қо-дир Мирмуҳаммедов, Аҳмаджон Ме-либоев, Мирзо Кенжабек, Фахриёр ва бошқа мутаржимларимизнинг аъ-аналарни давом эттириш учун мах-сус мактаблар ташкил қилиш даркор. Ушбу мактабларни нашриётлар, олий таълим муассасалари, Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари, Фанлар академияси билан иқтисодий-ҳуқуқий боғлаш чораларини кўриш лозим.

Олтинчидан, халқимизнинг ки-тоб харид қилиши, яъни илм олиши учун моддий имкониятларини ошириш мақсадида интенсив ва экстенсив чо-ра-тадбирларни амалга оширмоғимиз лозим. Хусусан, интенсив чора сиф-атида илм-маърифат, китоб, маънавият соҳасига бевоқиф ва билвосита дахл-

дор бўлган ташкилотларда китоб нашрига бўлган муносабатни тубдан ян-гилаш мақсадида мувофиқдир (масалан, Республика Маънавият ва маърифат марказининг биргина Хоразм вилоят бўлими томонидан 2021 йили 6 номда 18 минг нусхада китоб нашр қилинган). Шунингдек, экстенсив чора сифатида китоб нашри ва савдоси билан шуғу-ланувчи тадбиркорлик субъектларига доимий солиқ имтиёзлари (масалан, қўшимча қиймат солиғи), субсидиялар ажратилиши лозим. Болалар адабиётига оид нашрларни эса солиқлардан буткул озод қилган маъқул.

Еттинчидан, интернет тармоғида ўзбек тилидаги медиамаҳсулотларни кўпайтириш, миллий контентни бой-итиш орқали илмий, ижодий билимлар оқимини вужудга келтирмоғимиз зам-он талабидир. Бизнингча, даставвал “Википедия” (очик интернет энцикло-педияси) порталидаги ўзбек халқи ва тарихи, миллий давлатчилигимиз ва унинг кечмишига тааллуқли маълум-отларни мунтазам янгилаш ва тўл-дириб бориш мақсадида Фанлар ака-демияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида ишчи гуруҳ шакллан-тириш ҳамда бу борада ҳукумат фар-мойишини тайёрлаш зарур. Дарвоқе, Ўзбек Миллий энциклопедиясининг янгиланган навбатдаги нашрини тай-ёрлаш муҳим.

Нажот – илмда. Буни давлатимиз раҳбари ҳам ҳар бир чиқишида такрор-такрор таъкидлаётди. Бизнинг 35 мил-лиондан ортиқ тилла бошларимиз бор. Айни чоқда, нодир ерости ва ерусти бойликларимиз мавжуд. Лекин ана шу бойликлардан тўғри фойдаланиш, ҳа-ётимизни янада гуллатиш учун ақл, куч, ирода ва интилиш керак бўлади.

Сир эмас, Иккинчи жаҳон уру-шидан кейин қашшоқлик ва қоқоқлик гирдобига ботган Европа ва Осиёнинг бугунги қудратли мамлакатлари таби-ий бойликларини эмас, балки халқининг ғайрати, билими ва салоҳияти туфай-ли барча машаққатларни енга олди ва юксак чўққиларини забт этди. Биз ҳам бунга қодирмиз. Бунинг учун ўзимиз-ни, ҳаёт тарзимизни, қарашларимизни ўзгартирсак бас! Алқисса, навбатдаги буюк Уйғонишга бизни билим, меҳнат ва бирдамлик олиб боради.



Фуркат ЖҲУРАЙЕВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, сиёсий фанлар доктори, доцент



Тимур ИБРАГИМОВ, Хоразм вилоят маъмурий судининг судьяси

Президент Шавкат Мирзиёев Конституция-вий комиссия аъзолари билан учрашувда Асосий қонунимизга ўзгартиш киритиш масаласида қатор таклифни билдирар экан, ҳар доимлидек, суд-ҳуқуқ масаласига ҳам алоҳида тўх-талди.

ЯШАШ ҲАР БИР ИНСОННИНГ ТАБИИЙ ҲУҚУҚИДИР

Маълумки, 2005 йил 1 августда “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида” Президент фармони қабул қилинган ва унга мувофиқ 2008 йил 1 январдан бошлаб, ўлим жазоси бекор қили-ниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилган эди. Бироқ Асосий қонунимиз бўлган Конститу-цияда ушбу норма ўз аксини топгани йўқ. Шу сабабли юртбошимиз ушбу масалага алоҳида тўхталгани бежиз эмас ва айни ўринлидир.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, инсоннинг қадр-қиммати ав-вало унинг табиий яшаш ҳуқуқида намоён бўлади. Бу – энг улуғ ва муқад-дас қадриятларимиздан биридир. Маълумки, биз ўлим жазоси тайин-ланадиган жиноятлар сонини босқичма-босқич камайтириб, бу жазони тўлиқ бекор қилдик. Шунга қарамай, айрим фуқаролар томонидан ўлим жазосини тиклаш, уни жиноят қонунчилигига қайта киритиш ҳақи-да таклифлар ҳам илгари сурилмоқда. Ваҳоланки, демократик ва ин-сонпарвар ғояларни олий қадрият даражасига кўтарган дунёдаги ака-рият давлатларида ўлим жазоси бекор қилинган. Чунки яшаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Ярат-ганнинг ўзи ато этган.

“Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, Конституцияимизга “Ўзбекис-тонда ўлим жазоси тақиқланади”, деган яна бир муҳим нормани кири-тишни таклиф қиламан. Шу тариқа, биз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизни, инсонпарварлик ғояларига содиқ экани-мизни бутун дунёга аққол намоён қиламиз”, деди давлат раҳбари.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришнинг туб мақсади фуқаролар шахсий эркинлиги кафолатлари ҳаққоний амалга оширилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдир. Инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига бўлган муносабат, унинг ҳуқуқий ҳимояланганининг юқори даражаси – мамлакатда суд ҳокимияти шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш вазифасини самарали амалга оши-раётганида кўринади. Сўнгги йилларда миллий қонунчилигимиз халқро ҳуқуқининг умумэтироф этилган қонун ҳужжатлари мувофиқлашти-рилмоқда. Хусусан, демократик тамойилларга тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Биргина “Хабес корпус” институтининг миллий қонунчилигимизга кенг жорий этилаётгани бунинг аққол далилидир.

Президент “Хабес корпус” институтини янада ривожлантириш зарурлиги масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Яъни, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турили-ши мумкин эмаслиги, агар суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқача турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган муддатда қабул қилинмаса, бундай шахсни дарҳол озод қилиш керак-лиги ҳақидаги нормани ҳам Бош қомусимизда акс эттириш зарурлиги ҳақида таклиф билдирди.

Маъқур тақлифнинг жорий этилиши фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли ҳимоялинишига хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ ЯРАТИЛАДИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Бойсун тумани ҳокимлиги мажлис залда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йўғилишда Олий Маж-лис Қонунчилик паласи депутати Ҳазратқул Ҳўжамқулов, сектор раҳбарлари, туман кенгаши депутатлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, МФЙ раислари ва хотин-қизлар фаоллари иштирок этди.

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши томонидан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий табиёт маркази Наманган вилоят филиали биносига ўтказилган конституциявий ислохотларга бағишланган тадбирда партиянинг Наманган вилоят кенгаши раиси Солижон Мўминов давлатимиз раҳбарининг Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришлар билан боғлиқ тақлиф ва ташаббусларини О'zLiDePнинг барча бўғинларида, ҳудудий тузил-маларида чуқур ва батафсил ўрганиш лозимлигини таъкидлади.

Бухородаги муҳаббатимиз Асхор ИСТАМОВнинг хабар қили-шича, О'zLiDeP Ромитан туман кенгаши “BCT Cluster” МЧЖ хузу-ридаги БПТда партия масъуллари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда кўпи бўғин фаоллари иштирокидаги йўғилишда ушбу қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши халқимиз орзу-умидлари ва истақларига тўла мос келиши таъкидлаб ўтилган. Шун-ингдек, Бухоро шаҳар ҳокимлигига бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мадина Баратова сўзга чиқиб, Конституциянинг ўзгариши ҳамда қўшимчалар кирити-лиш, назарда тутилган тегишли боб ва моддаларни юзасидан ўз фикр, мулоҳазаларини баён этди.

ФАХРИЙЛАР ВА ЁШЛАР ГУРУНГИ

10 нафар иштихонлик йигит-қизнинг контракт пули тўлаб берилди

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши хузуридаги Фахрийлар кенгаши аъзолари Иштихон туманидаги "MAROQAND SIFAT TEXTIL" масъулияти чекланган жамиятидаги партия-дошларимиз фаолияти билан яқиндан танишишди.

Кластер усули жаҳон тажрибасида синовдан ўтган ва муваффақият қозongan бошқарув усулидир. Президентимиз ташаббуси билан технологик, пахта-тўқимачилик, кўп тармоқли саноат, чиқиндиларни комплекс бошқариш, ёш тадбиркорлик, тоғ ва тоғ туризми, тери хомашёсини қайта ишлаш ва чарм-пойабзал, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган, агросаноат мажмуаси ва озиқ-овқат, саноатлашган чорвачилик, давлат-хусусий илмий кластерларини барпо қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар янги босқичда давом этмоқда.



Иштихон туманидаги улкан тўқимачилик мажмуаси – "MAROQAND SIFAT TEXTIL" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай илғор технологиялар асосида кластер усулида ишлаб келаётган йирик корхоналардан бири саналади.

Айни пайтда мазкур корхонада 600 нафарга яқин



йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Бу ерда пахтани қайта ишлаш қувватларидан унумли фойдаланган ҳолда йилга 2000 тоннадан зиёд ип-калава тайёрланиб, таъминотчиларга етказиб берилмоқда.

Мазкур корхона директори Шерали Хусанов бу ерда фаолият қурсатаётган йигит-қизларнинг ўз устида ишлаши, масъулияти, тиришқоқлигини ҳисобга олиб, уларни мунтазам қўллаб-қувватлайди. Хусусан, корхона таъсисчилари томонидан иқтидорли ёшлардан ўн нафарини Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига шартнома асосида ўқишга киритиб, замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли кадрлар билан ҳодимлари сонини ошириш мақсад қилинган.

Фахрийлар кенгаши аъзолари корхона фаолияти билан танишаркан, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар натижасида ёшларнинг, хотин-қизларнинг бандлиги таъминланаётганининг гувоҳи бўлишди.

Очиқ мулоқотда фахрийлар, партия фаоллари фикр-мулоҳазаларини билдириб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссияси аъзолари билан учрашувдаги нутқидан келиб чиқиб O'zLiDePнинг долзарб вазифалари юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Жаҳонгир ХЎЖАМҚУЛОВ,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят
кенгаши бўлим мудири



ШИДДАТ БАҒИШЛАШ ФУРСАТИ

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши фаоллари ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутат-гурӯҳи аъзолари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишда Президентимизнинг Конституциявий комиссияси аъзолари билан учрашувдаги нутқидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳақида сўз борди.

– Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси доирасида илгари сурилётган ташаббуслар, хусусан, адолатли ва халқларвар давлатни барпо

этишнинг мустақкам сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маънавий-маданий асослари яратилди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Исмоилдин Абборов, Қарши давлат университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Тоҳир Ҳамдамов, "SITORA IMKON PLYUS" нодавлат таълим муассасаси раҳбари Наргиза Саломова ва бошқалар бу эзгу ҳаракат демократик янгиланиш жараёнларига янги руҳ ва шиддат бағишлаш баробарида ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ҳамда бардавломлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтдилар.



– Мен раҳбарлик қилаётган муассаса қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаоллари билан ўнги яқин тақлиф билдирдик, – дейди Яқкабоб туманидаги "SITORA IMKON PLYUS" нодавлат таълим муассасаси раҳбари Наргиза Саломова. – Конституциявий мизнинг 53-мод-

дасида хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан, давлат идорасининг расмий маълумотида ишониб, мол-мулк соғиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш ҳақидаги нормани белгилаб қўйиш тақлифини қўллаб-қувватлайман. Не-не машаққатлар билан тадбиркорликни

йўлга қўйиб, иши энди юришган фуқаронинг бинолари бузиб ташланиши қандай оқибатларга олиб келганини тажрибада кўп кўрдик. Шундай экан, ушбу тақлиф бизнес вакилларининг дилидаги гап бўлди. Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгаришлар ёшларни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни "Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари" шиори остида бирлаштириш орқали ислохотларни жадаллаштиришга ҳисса қўшиш борасидаги эзгу иштирокларини рўйга чиқаришига ишонман.

Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилган тўртта устувор йўналишнинг ҳар бири бўйича айтиб ўтилган тақлифларни қўллаб-қувватлашни билдириб, уларни O'zLiDePнинг ҳудудий тузилмаларида чуқур ва батафсил ўрганиш лозимлигини таъкидлашди.

Вилоят, шаҳар, туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, БПТлар фаоллари иштирокида Президентимиз нутқидан келиб чиқадиган тақлифлар ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Конституция-сига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш учун жойларда давра сўхбатлари ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, муҳокамаларда Бош қомусимизни янада такомиллаштириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш борасида партия депутатлари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

ТАЪЛИМГА ОИД ТАКЛИФЛАР КЎП

Айни пайтда Ватанимиз тақдирини ва келажагини ўқиниб, ҳаётини янги бағишлаган эрта ёшда бўлган конституциявий ислохотлар жараёни энг муҳим босқичга кирди.

Асосий қонунимизни бугунги ҳаёт талабларига мос ҳолда янгилаш мақсадида йўналтирилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси марказида турибди.

Ҳозирги кунда жойларда ушбу қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, турли қатлам вакилларининг тақлиф, фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида учрашувлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ажиниёз номидидаги Нукус давлат педагогика институтида ҳам бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Мухтор Ибрагимов, институтнинг профессор ўқитувчилари ва педагог ходимлари сўзга чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган барча сазъ-ҳаракатлар инсон қадрини юксалтиришга қаратилганини, жумладан, "Инсон қадрини ўқиниб" улуғвор ғояси устувор эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Айниқса, қонун лойиҳасининг таълим соҳаси йўналиши бўйича 41-моддага ҳам бир қатор ўзгариш киритиш бўйича аниқ ва асосли тақлифлар билдирилганлиги айтиб ўтилди. Масалан, давлат мактабгача таълим назар, таълим олишни да-



ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашиши, ҳар бир боланинг умумий ўрта таълимга доир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқи кафолатланиши лозимлигига эътибор қаратилди. Ёки давлат бепул умумий ўрта таълимни, шунингдек, танлов асосида давлат таълим ташкилотларида бепул олий маълумот олиш, инклюзив таълим ва тарбияни ташкил этиш, иқтидорли ёшларнинг моддий аҳолидан қатъи назар, таълим олишни да-

вом эттиришини таъминлаш, таълим муассасалари ва ташкилотларининг хусусий ва бошқа шакллари ривожлантириш учун давлат тенг шароитлар яратиши назарда тутилган таъкидланди.

Учрашув давомида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан иштирокчилар ўз тақлифларини ҳам билдириб ўтдилар.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

МЕМОРАНДУМНИНГ МАҚСАДИ – ЭЗГУЛИК

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Бундан кўндалган асосий мақсад Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Та-

нида хотин-қизларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, либерал-демократик ғоя ва қадриятларни хотин-қизлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган аёлларга назарий ва амалий жиҳатдан яқиндан кўмаклашишдан иборат.



раққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараё-

Жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш, тадбиркор ва фермер аёллар фаолиятида учраётган айрим муаммоларни чуқур ўрганиш ва ижобий ҳал этиш, ўзбек халқи учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустақкам-

лаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдирди, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиб қолган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ишларини амалга ошириш ҳам биргаликдаги устувор вазифалар сирасига кириди.

Партиянинг "Бунёдкор аёллар", "Ишбилармон аёл", "Соғлом оила – мустақкам оила", "Фаровон оила", "Бир депутат – юз аёлга кўмакчи!", "O'zLiDeP фаоли – ислохотлар тарғиботчиси!", "Намунали томоқча аёл – фаровонлик бунёдкори!" лойиҳаларини янги босқичга кўтариш Меморандумнинг асосий йўналишлари сирасига кириди.

Ҳар бир томон бошқа томоннинг ўзаро манфаатли масалалари бўйича тадбирларда ўз вакиллари иштирокини таъминлайдилар. Шунингдек, ҳар бир томон ушбу Меморандумга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни бошқа томонга ёзма равишда тақлиф этиши мумкин.

Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси хузуридаги
Фахрийлар кенгаши фаолиятини
мувофиқлаштирувчи котиб

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ТРАНСФЕРТ НАРХ

Белгилашда солиқ назорати

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорликнинг ривожланиши ва соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Ишбилармонлар ҳам ўз ҳуқуқларини яхши биллишлари фойдадан холи эмас. Бу уларнинг тегишли имтиёزلардан унумли ва ўринли фойдаланишларида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Солиқ кодексининг VI бўлими трансферт нархни белги-

лашда солиқ назоратига бағишланган бўлиб, соҳа вакиллари мазкур қонун нормасини мукаммал билиши даркор.

"Трансферт" сўзи французча бўлиб, "ўтказиш, кўчириш" маъносини англатади. Яъни ўзаро алоқадор тарафлар ўртасидаги битимларда шаклланди ва ёки мустақил шахслар ўртасида битимлар тузилаётганда таққосланадиган иқтисодий шароитларда қўлланилиши мумкин бўлган ҳолис тарзда шаклланди ва нархдан фарқ қиладиган нарх, ушбу кодекс мақсадида трансферт нарх деб тушунилади.

Ўзаро алоқадор тарафлар фаолиятининг мустақил шахслар то-

монидан таққосланадиган иқтисодий шароитларда олиниши мумкин бўлган шароитлар ва натижалардан фарқ қиладиган тижоратга оид ва ёки молиявий шароитлар ва ёки натижалар эса ушбу кодекснинг мақсадида трансферт нархни белгилаш деб тушунилади.

Давлат солиқ қўмитаси трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини амалга оширади. Назорат доирасида фойда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад, ер қаъридан фойдаланганлик учун, қўшилган қиймат ва акция солигининг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текширади. Бундай назоратни ўтказиш тартиби қатъиян

солиқ қонунчилигига асосан ўтказилиши керак. Тадбиркор ҳам бу борадаги барча тартиб-тамоийилларни мукаммал билиши жоиз. Борди-ю унинг ҳуқуқлари бузилса, суд орқали тикланиши мумкин.

Зеро, зикр этилган кодекс талабларига кўра, солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан белгиланган талабларга риоя этмаслик юқори туровчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Шербек ИНОМЖОНОВ,
Тошкент туманлараро
маъмурий судининг
судьяси

ФИДОЙИЛАР

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН САБИНА

ёхуд ҳам боғча мудираси, ҳам завод директори, ҳам ҳоким ёрдамчиси вазифаларини уддалаётган тадбиркор аёл ҳаётдан айрим лавҳалар

Бир неча кун илгари O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилишида ўтган олти ой якунлари бўйича партиявий вазифалар қандай бажарилгани анчагина жиддий муҳокама қилинди. Жумладан, аъзолар сони кўпайгани-ю, хотин-қизлар, ёшлар фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган тадбирлар ғалвирдан ўтказилди. Депутатлар томонидан 35 та масала маҳаллий кенгашлар сессияларига олиб чиқилиб, шундан 29 таси бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган тилга олинди. Натижалар ёмон эмас. Тўғрими? Лекин бу алоҳида мавзу.

Йиғилиш тугагач, партиянинг Тайлоқ тумани кенгаши аппарат раҳбари Акмал Мирзоев "Газетада ёритишга лойиқ фаолларимиз кўп. Мана, ҳоким ёрдамчиси сифатида тинмай ишлаётган аъзоларимиздан бири Сабина Ҳақимова ҳақида ёзмайсими?" деб қолди.

Хуллас, орадан кўп ўтмай ўша ғайратли тадбиркор аёл билан у мураббий қилаётган болалар боғчасида учрашдик. Дарҳақиқат, уч қаватли ва замонавий қиёфа касб этган мактабгача таълим муассасасининг озодалиги ҳар қандай киши эътиборини тортиши тайин.

"Шухрат" медали соҳибаси Сабина Ҳақимова билан бемаъл, чин дилдан суҳбатлашдик.

Умр йўлдоши Ҳусен Аҳмедов оғир хасталикка чалинган, олис юртларда давлаттани, фарзандларининг отаси, оила устуни яшаб қолиши учун елиб-югургани, аммо дард ўз ишини қилганини надомат ила сўзлади.

— Авваллари жуда эрка аёл эдим, — дейди у. — Турмуш ўртоғим курилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона эгаси эди. Оламдан ўтганидан сўнг гўёки ҳаёт мен учун маъносини йўқотди. Лекин болаларим учун яшашим, курашим учун ўзимни маҳкам қўлга олишга мажбур эдим. Шундай бўлди ҳам. Отаси бошлаган хайрли ишларни давом эттиришга бурчли эканимни тушундим. Тезда сабр-бардош-ла ўзимни тутиб олмасам,



ҳамма нарса издан чиқиши, катта ишлар барбод бўлиши мумкин эди. Иккита институтни тугатганим, иқтисодчи ва педагог мутахассислигига эгаллигим қўл келди. Фаолиятимни уч қаватли 150 ўринли болалар боғчасини куриш учун бир миллиард сўмдан ортиқ кредит олишдан бошладим. Ва қисқа муддатда гўзал маскан қад кўтарди. Ҳозирги кунда бу даргоҳда ўттиз нафарга яқин опа-сингилларимиз бандлиги таъминланди. Ота-оналар дуо қилишяпти.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрига қарашли Фарҳод кўрғонда жойлашган "Фарҳод монтаж сервис" МЧЖ фаоли-

тини ҳам қайта тиклашга муваффақ бўлдик. Курилиш маҳсулотлари, жумладан, темир-бетон плиталари, пойдевор блоклари, ишлаб чиқаришга киришдик. Қувонарлиси, аввалги мижозларимиз яна қайтиб кела бошлади. Ҳозир заводда 50 нафардан ортиқ ёшлар доимий иш билан банд. Буюртмалар кўпроқ Самарқанд шаҳридан, Жиззах ва Навоий вилоятлари, Ургут туманидан тушмоқда. Биргина бетон плитанинг ўзидан йилга 2-3 минг донадан зиёд ишлаб чиқариляпти.

Дарвоқе, кези келганда таъкидлаш жоизки, Сабина Ҳақимова тадбиркорликдан ташқари, мана олти ойдирки, Тайлоқ тумани "Сочак" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким

ёрдамчиси сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда. Ўзининг айтишича, ишни аҳолини хатловдан ўтказиб, режани аниқ белгилаб олишдан бошлаган. Маҳалладаги 722 та хонадонда 3

606 нафар киши яшайди. Эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш ва бизнес очишга ёрдамлашиш учун 605 миллион сўм маблағ ажратилган. Лекин элчилик дегандай, қийналганлар ҳам топилади. Юқорида айтиб ўтилган маблағнинг 300 миллион сўми маҳалла аҳлига кредит сифатида берилди. Хусусан, 6 нафар фуқарога қорвачиллик билан шуғулланишига ажратилди, яна бир фуқарога иссиқхона куришга кўмаклашилди, тўрт нафар аёлга тикув машинаси олиб берилди. "Темир дафтар"да турган иккита хонадонга субсидия асосида 2 бошдан қўй, яна иккита хонадон эгасига 5 бошдан эчки берилди. Қолаверса, қизиқишига қараб айримларга



асалари оиласи олиб берилди. Бир мартада 500 тадан жўжа очувчи иккита инкубатор, тўртта хонадонга жами тўрт юз бош товуқ берилди. Натижада ҳозирда "Темир дафтар"даги 30 фуқародан 15 нафари оилавий шароитини анчагина ўнглаб олгани туйғайли мазкур рўйхатдан чиқарилди.

Партиямиз фаоли, каттагина заводни оқиллик билан бошқараётган тадбиркор, ёш

авлод тарбиясига алоҳида ёндашаётган мудира, эл корига яраётган ҳоким ёрдамчиси — бунинг ҳар бири киши елкасидаги вазифа... лекин шуларнинг барини бир аёл уддалапти ва қойиллатаяпти десак ишонаверинг!

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" муҳбири

"Фарҳод монтаж сервис" МЧЖ
курилиш маҳсулотлари, жумладан, темир-бетон плиталари,
пойдевор блоклари ишлаб чиқаради.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: +998 90 251 43 44

Хизматлар лицензияланган.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭРГАШ СОЛИЕВ ДИҚҚАТИГА!

ЗАФАРОБОДДА унутилган маҳалла бор...

Навбатдаги шикоятни ўрганиш учун Зафаробод туманига йўл олдик.

...Марказдан ўтгач, ҳайдовчи тўхтаб, "Қаторбоққа қайси йўл билан борсам бўлади?" деб таниш ҳайдовчиларга кўнғироқ қила бошлади. Ун беш дақиқадан сўнг "Йўллари ёмон-да", дея норози бўлиб, ноилжор юришда давом этди. Ярмигача текисланган, қолгани ўнқир-чўнқир йўл бўйлаб манзилга етиб бордик. Мурожаатчи опалар кутиб туришган экан.

Турсуной Омонованинг "Ёрқин" ШФЙ Қаторбоғ маҳалласида истиқомат қилаётганга беш йил бўлибди. Кўчи келганидан буён йўл носозлиги, чироқ узилиши ва симёғоч ярқоқчилиги, ичимлик, оқова сув масалалари бўйича турли ташкилотларга мурожаат қилади.

— Ҳалигача йўл курилиши чала ётибди, — дейди Турсуной опа. — Асфальт қилинмаган, номига текислаб ўтиб кетилган, шу ҳам охиригача етмаган. Канал бўйига ювин-чайин учун сув олиб келишга бориб бўлмайди, текис эмас, тупроқ йўл. Қуёшли ҳавода ҳам машина келса, ботиб қолади. Эшак араваларда одамлар зўрға бориб қайтади. Яшаш шароитимиз яхши бўлмаса, солиққа нега пул тўлаймиз? Келишди, кўришди ва "Уйингизнинг орқасидаги йўл текис экан, нима қиласиз арз қилиб?!" дейишди.

Опанинг маълум қилишича, кўшиқлари билан туман, вилоят ҳокимлигига, халқ қабулхоналарига 2019 йилдан бери мурожаат қилиб келади. Улар бу жой 2020 йилда дастурга киритилган дейишган. "Обод маҳалла" давлат дастури амалга оширилганда йўлни созлаш шу ерга келиб тўхтаб қолган.

— "Тез тиббий ёрдам" келса, уйимнинг олдидан машинани буриб олади, у ёғига ўтолмайди, носилкани ўша ёққа кўтариб чиқиб кетади. Қишда асфальт қилиб берилмайди, лекин таъмир учун дастурга киритилади, деган ёзма жавоб келди. Яқинда борсам, яна шу гап. Айрим қишлоқларни кўриб ҳавас қиламиз, одамлар рисоладагидек яшяпти. Ҳоким ўринбосари депутатлар билан бирга келди, унга ҳам айтдик. Ёрдам берамиз, қабилдаги ёлғон ваъдалардан безор бўлдик.

Дарҳақиқат, 2-сонли мактабга элтадиган йўлда ахлат уюлиб ётибди. Аҳоли шу усул билан йўлни текислашга уринган чоғи. Одамлар сув ташийдиган каналга чиқадиган йўл чанг, ёғин-сочин бўлса ботқоққа айланиши кўриниб турарди.

— Зафаробод тумани ҳокими Нодир Ражапов маҳалламизни ўтган йили келиб кўрганди, — дейди Т.Омонова.

— Тан олайлик, сув келтирадиган машина қатновини йўлга қўйиб берди. Раҳмат бунга. Бироқ ҳозир бир пақир сувни 2-3 минг сўмдан сотиб оляемиз. Йўлнинг ёмонлигидан сув ташийдиган машина ботиб қолади, тракторда зўрға тортиб чиқаради.

Йўл ёқасида ёрилиб, чириб кетган пастаккина симёғочлар қийшайиб, симлари узилиб уланаверганидан уллов-улов бўлиб кетган. Ҳали ишга тушмаган янги трансформатор қаққайиб турибди.

— Бу ерда 7-8 йилдан бери яшаймиз, — дейишди Гулнора Беғматова ва Феруза Ҳайдаровалар. — Ҳеч нарса талабга жавоб бермайди. Кўча бошидаги



уйларга газ қувурлари тортилган, лекин газ йўқ. Бу ёққа эса шу қувур ҳам етиб келмаяпти. Яқинда носоз газ баллонни ташлаб кетишган экан, ўзимиз ёниб кетишимизга сал қолди. Томорқани шўр босган, сув йўқлигидан бирор нарса кўкармайди. Бир кун вилоят прокуратурасидан вакил келди, мактабда йиғилиш ўтказди. Аммо туман мутасаддилари бизни киритишмади. "Мунча муаммоларнинг кўп?" деб кетишди. Сайёр қабул бўлганини билмай ҳам қолямпиз, бизга атайин хабар қилишмайди.

Маҳалла аёлларидан Гулзира Беғматова ва Мавжуда Атабоевалар ҳам худди шу



муаммолар ҳақида сўзлашди. Чеварчилар маҳалласи Учкўприк кўчасида яшовчи Санобар Абдувоҳидова эса сув, симёғочлар йўқлиги, ёрнинг шўрланиб кетгани учун томорқадан фойдаланиш имкони бўлмаётганидан шикоят қилди.

Нихоят "Ёрқин" ШФЙ томонга йўл олдик. Йўл-йўлакка, Учкўприк кўчаси ва бошқа ички кўчаларни ҳам кўриб ўтдик. Каналга кетадиган йўл тупроқ, сув тушган жойи лой бўлгудек.

— Иш бошлаганимга бир ҳафта бўлди, — деди "Ёрқин" ШФЙ раиси Рашид Хурсанов. — Худудимиз катта, 8 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бу ерда 53 та кўча, 1300 га яқин хонадон бор. Кўчаларимизнинг 80 фоиздан ортиқ ассосий жойлари шағал қилинган. Маҳалламизга 350 дона симёғоч керак. Ҳамма ечим маҳаллий бюджетдан келиб чиқади. Кеча ирригация бўлимига учрашиб, ариқларга оқар сув ўтказиш тўғрисида гаплашдик. Хўжалик бўйлаб навбати билан беш кундан бўлиб сув берилляпти. Эртага ҳоким ёрдамчисини олиб бориб, Қаторбоғ кўчасининг оқова сув туман мутасаддилари бизни киритишмади. "Мунча муаммоларнинг кўп?" деб кетишди. Сайёр қабул бўлганини билмай ҳам қолямпиз, бизга атайин хабар қилишмайди.

Маҳалла идорасида ҳоким ёрдамчисини учратиб, у билан ҳам шу масалалар юзасидан суҳбатлашдик.

— Бу муаммоларни шу йилнинг февралда бориб урганганман, — дей-

ди ҳоким ёрдамчиси Зафар Тоштемиров. — Сув масаласи Бош вазирнинг протокоliga киритилган, "Бирлик" МФЙ билан бирга сув учун 8 миллиард сўм ажратилган. Режалари тузилган, фақат маблағ ажратилса, қувур алмаштирилади. Электр тармоқлари билан гаплашганмиз, келади. Йўллар дастурга киритилган, иккинчи чорак якуни билан шағал тўкилади...

Ҳоким ёрдамчисининг маълум қилишича, Чеварчилар маҳалласидаги Учкўприк кўчасига ўзлари ҳомийлик ёрдамида тош тўкиб текислашган. "Коллеж бетон тўсигига келсанг, ўқув марказига тегишли, уни очишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бизнинг, албатта, сув масаласи ечилишини кутиб ўтириш ниятимиз йўқ. Лекин 10 км катта босимда қувур тортилиши керак. Агар катта қувур алмаштирилмаса, фойдаси йўқ", деди ёрдамчи.

Мазкур масалалар юзасидан Зафаробод туман ҳокимлиги курилиш бўлими бош мутахассиси Уктам Жингилбаева мурожаат қилганимизда у ҳам худудларнинг жорий йил инвестиция дастурига киритилганини маълум қилди.

— Фермерлик далаларидан оқар сув келади, — тушунди берди у. — Туман ирригация бўлимига айтдик, кўриб чиқади, қилинади албатта. То-за ичимлик суви масаласига келсанг, бу 15 миллиард сўмга яқин маблағ бўлиб, лойиҳа 2023 йилда амалга оширилиши кутилмоқда.

Мутахассисдан симёғочлар, кабель ва янги трансформаторни ўрнатиш масаласи бўйича сўраганимизда, туман электр тармоқлари бош инженери билан боғланди. "Маҳаллага навбат энди келади. Учтинчи чорак якунигача тугатилади. Туман бўйича битта машина бор", деди бош инженер.

— Табиий газга янги абонент очишга қуввати, босим етмагани учун руҳсат берилмаган, — гапида давом этди Уктам Жингилбаев. — Лекин аҳолини газ баллон билан таъминлашда муаммо йўқ. Агар бирор ҳаффи ҳолат бўлса, ҳамма ўзига тегишли газ баллонни талаб қилиб олиши керак...

"Ёрқин" ШФЙга бориб келганимизга икки ҳафтадан ошиб қолди. Аҳолининг маълум қилишича, эртага бориб кўрамыз деган бу мутасаддилар қайтиб қорасини ҳам кўрсатмабди.

Холниса
РАҲМОНҚУЛОВА,
журналист



ЙўЛЛАР РАВОН БЎЛСА, МАНЗИЛ УЗОҚЛИГИ БИЛИНМАЙДИ

Юртимизда бунёдкорлик ишлари айни авж паллада. Йўллар, мактабу ижтимоий соҳа объектилари барпо этилиб, маҳаллалар обод қилинмоқда. Тошкент вилояти бинокорлари ёзнинг жазирамасида ҳам тиним билмаяпти.

Нурафшон шаҳри ва Ўрта Чирчиқ тумани худудидан ўтувчи давлат аҳамиятига эга йўл ҳамда ички хўжалик йўллари таъмирланмоқда. Ушбу юмушларни Ўрта Чирчиқ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси жамоаси зиммасига олган.

— Давлат аҳамиятидаги 4R-14, 4R-20, 4R-22 белгили йўллар сифатини сақлаш ва таъмирлаш мунтазам амалга оширилади, — дейди шу корхона раҳбари Салоҳиддин Норхўжаев. — Шунингдек, Туюбўғиз ва Мингтепа ўрмон хўжалиги оралиғи ҳамда "Меҳржон"

мир — Чирчиқ — Ҳазалкент ва Чорбоғ кўрғони автома- бил йўлининг 1-6 ва 6,5-9 километри реконструкция қилинмоқда. Бунда "Авто-

ганидек, режадан ташқари "снос" ишлари буюртма асосида олиб борилаётган юмушларни амалга оширишда кечикишига сабаб



магистраль" ИАЙҚТБ унитар корхонаси жамоаси фидойилик кўрсатмоқда. — Жамоамиз М-39 белгили авто йўлнинг Тошкент-Келес-Қазахкентский қишлоғидаги қисми реконструкциясини якунига ет-

бўлмоқда. Бундай муаммолар тез орада мақбул ечимини топади деган умиддамиз

Тошкент вилоятидаги ижтимоий соҳа объектиларида жонқуяр қурувчилар жонбозлик кўрсатишмоқда. Мисол учун, Қибрай туманидаги Маданият маҳалласи ўғил-қизлари 1960 йилдан бери 32-мактабнинг эски биносида таълим олишар эди. Энди улар янги ўқув йилини янги бинода қарши олишади. Боиси, бу ерда мавжуд иншоотлар мукамал таъмирланди, қўшимча 330 ўринли иморат барпо қилинмоқда. Мазкур инвестиция лойиҳасини амалга оширишда Фаррух Салимов бошчилигидаги "Шохрўзбек Халимжон қурилиш" масъулияти чекланган жармиятининг захматқаш қурувчилари жавлон урмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" муҳбири



дам олиш маскани кўча ва йўлларида асфальт ётқизилади.

казмоқда, — дейди ушбу корхона раҳбари Ғайрат Раҳмонов. — Ҳар бир ишнинг ўз мушкулотлари бўл-

4R-112 белгили Бекте-

Хизматлар лицензияланган.

АБАДИЯТ ОДАМЛАРИ

Иброҳим Ҳаққул ҳам тушга айланди



СОВУҚ ХАБАРНИНГ ЁЛҒОН БЎЛИШНИ КУТДИК, БИРОҚ БУ МУСИБАТ РОСТ БЎЛИБ ЧИҚДИ. ИБРОҲИМ АКА ҲАМ БИЗНИ ТАШЛАБ, ЧИН ДУНЁГА КЕТДИ... ТЎРА МИРЗАЕВДАН КЕЙИН БИЗ УЧУН ЖУДА ҲАМ ОҒИР ЙЎҚОТИШ, ҚАЛБИМИЗ ҲАМ, ДУНЁ ҲАМ ХЎВУЛЛАБ ҚОЛГАНДАЙ...

ИБРОҲИМ АКА ИЛМДА ҲАМ, ҲАЁТДА ҲАМ ҲАР ТОМОНЛАМА ЎРНАК ШАХСИЯТ ЭДИ. АЛИШЕР НАВОЙИНИ БИЗГА ЭМАС, БИЗНИ АЛИШЕР НАВОЙИГА ЯҚИНЛАШТИРА ОЛГАН БУЮК ОЛИМЛАРДАН ЭДИ. ИБРОҲИМ АКА МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ҲАМ, ЗАМОНАВИЙ ВА ҲАЖОН АДАБИЁТИНИ ҲАМ ЧУҚУР ЎЗЛАШТИРГАНДИ. БАДИИЙ СЎЗ ТАФТИНИ НОЗИК ИЛҒАЙДИГАН, ФАЛСАФАНИ, ТАРИХНИ ТЕРАН АНГЛАЙДИГАН ОЛИМ ЭДИ.

ҲАЛОЛ ВА САМИМИЙ СУҲБАТДОШ ЭДИ. ҲАҚИҚАТНИ АЙТАДИГАН ОДАМНИНГ КАФАНИ ЕЛКАСИДА БЎЛИШИ КЕРАК, ДЕГАН ЎГИТГА ҲАР ДОИМ ЎЗИ АМАЛ ҚИЛГАН. ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ҲАҚ СЎЗНИ, ҲАҚИҚАТНИ АЙТА ОЛГАН МАРД ЭДИ. “АЛИШЕР НАВОЙИ ТУРКИЙ АДАБИЁТНИНГ ПОЙТАХТИ”, ДЕГАНДИ БИР СУҲБАТИДА. БИЗГА АНА ШУ ПОЙТАХТГА ЙЎЛ КЎРСАТГАН, ЎЗИ ҲАМ ИЛМИ БИЛАН, ЧИН ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ БИЛАН ҚАЛБИМИЗНИ ЗАБТ ЭТГАНДИ. АНА ШУНДАЙ ОЛИМ, ҚАДРОН УСТОЗИМИЗ ЭДИ ОРАМИЗДА ЙЎҚ. АФСУС, ТИРИГИДА ҚАДРИГА ЕТА ОЛМАДИК...

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН. УЛКАН АДАБИЁТШУНОС ОЛИМНИНГ ДУНЁДАН ЎТГани НАҚАДАР КАТТА ЙЎҚОТИШ ЭКАНИНИ ВАҚТ ЎТГАН САРИ АНГЛАЙМИЗ....

Ҳаёт тасодифларга тўла, бироқ шу тасодифлар ҳам Яратганнинг изни билан қайсидир бир қонуният туфайли юз беради. Бу қонуниятларнинг моҳиятини англашга уринганинг сайин калаванинг учини йўқотиб қўясан. Такрор ва такрор яна айлиниб ўша нуқтага келасан: ҳаётда тасодифлар кўп, бироқ бу тасодифлар ўз-ўзидан юз бермайди, уларнинг ҳам ўз қонунияти бордек.

Адабиётимизнинг зукко билимдони, таниқли навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул ҳақида ўйлаганимда хаёлимга беихтиёр шундай фикрлар келверади. У киши билан танишимим тасодиф бўлган. Мана шу тасодиф менинг кейинги ҳаётимни ўзгартириб юборгани, очиги, ўшанда сира ҳам ўйламаган, ҳатто хаёлимга ҳам келмаган. Бугун эди ўйлаётганим, бу бир тасодиф эмас, тақдир бўлган.

Тошкент давлат университетининг журналистика факультети талабалари ўзимизча “даҳо” ва унча-мунча одамни тан олмасдик. Бироқ Иброҳим Ҳаққул биз учун гўёки осмондаги кўл етиб бўлмас бир юлдуз эди. У киши билан танишим, суҳбатлашимни ҳатто орзу ҳам қилмаганимиз. Ўша пайтда Иброҳим аканинг кетма-кет китоблари босилган, айниқса, “Занжирдан шеър қошида”, “Тасаввуф ва шеърят” ва у киши томонидан нашрга тайёрланган, сўзбоши ёзилган “Аҳмад Яссавий ҳикматлари” қўлма-қўл ўқилаётган, бошқача айтганда, ҳамма адабиётга “Иброҳим аканинг кўзи” билан қараётган бир даврлар эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисига борганимда у киши биринчи қаватда зинапола тағида уч-тўрт киши даврасида суҳбатлашиб ўтирдик. Айтаётган гаплари билан ҳаммани ўзига маҳлиб қилиб олганди. Бу ижод ҳақида, адабиёт ҳақида биз эшитмаган, бироқ доим эшитишни орзу қилган “қанотли” гаплар эди. Бу илк танишув эди. Иброҳим аканинг китобларидан олган таассуротимни ҳаётда кўрганларим, эшитганларим тасдиқлаётган ва мустаҳкамлаётган эди.

Иброҳим Ҳаққулни бугун республикамизда танимайдиган одам йўқ десам, муболага бўлмас. Уни кўпчилик навоийшунос олим, Шарқ ва Ғарб адабиётининг закии билимдони, замонавий адабиётни ҳам теран ва нозик ҳис қила оладиган адабиётшунос сифатида яхши билди. Бу мақома даражасида Иброҳим ака осонгина эришмаган. Кўп машаққатларни кўрган, кўп эврилишларни бошидан кечирган.

Иброҳим ака қадим Бухоронинг Шофиркон туманида туғилган. Агар бошқа ерда туғилганида, эҳтимол, характери ҳам, тақдир ҳам бошқача издан бурилиб кетиши мумкин эди, деб ўйлайман. Инсон тақдирини унинг туғилган жойи нечоғлиқ роль ўйнайдими? Буни фан ҳали етарли даражада ўрганганича йўқ, назаримда. Мен устоз Тўра Мирзаев, Иброҳим Ҳаққул ва бошқа ўзим кузатган зиёлилар мисолида айтишим мумкинки, туғилган жойи одамнинг келажagini белгилаб беради. Машойхлар айтганидай, тақ-

дир азалда лойинг қайси тупроқдан олингани ҳам мумкин.

Иброҳим ака давраларда момоси ва онасидан эшитган ҳикматли гапларни, мақолларни айтиб беришни хуш кўрарди. Агар болалигимда бундай ўғитларни эшитмаганда эди, биз бугун бошқа бир шахсни кўрган бўлармидик? Ёшлик чоғларида уйда Суфи Оллоёр, Яссавий, Навоий, Машраб каби алломаларнинг китоблари ўқилмаганида, эҳтимол, Иброҳим ака бошқа касб эгаси бўлиб кетиши мумкин эди. Агар ота-онаси унга бошқа ном берганида эди, эҳтимол, биз бошқа бир шахс билан юзлашиб турган бўлармидик? Ёшлик чоғларида уйда Суфи Оллоёр, Яссавий, Навоий, Машраб каби алломаларнинг китоблари ўқилмаганида, эҳтимол, Иброҳим ака бошқа касб эгаси бўлиб кетиши мумкин эди.

Иброҳим акани турли давраларда, турли ҳолат ва кайфиятларда кўп учратганман. Эҳтимол, четдан қараган одамга у киши кўрс, қайсар ва камгап одамга ўхшаб қуринар. Кўпчилик уни осонликча сўзидан қайтмайдиган, қандай вазият бўлишидан қатъи назар, ҳар доим ҳақиқатни одамнинг ўзига қараб тик айта оладиган ҳақиқатпараст ҳам деб билади. Иброҳим аканинг ҳар доим ҳақиқатни гапириши, вазият ҳам, одам ҳам таллаб ўтирмаслиги бор гап. Бироқ қайсарлиги, кўрслиги ва камгаплиги у кишидан билганлар, дилдан суҳбат қилганлар ҳеч қачон инсонийдир. Яқин борсангиз, нақадар содда, самимий, беғуборлигига, яхши суҳбатдош, ишончли дўст эканига амин бўласиз. Фақат, унинг ўз ҳақиқатлари бор, уларга ҳеч қачон хиёнат қилмайди: иккиозламачиликни, турланиш-тусланишни ёмон кўради. Бундайларни “уйинчи” дейди: улар билан имон қадар “масофа” сақлайди. Самимиятни, садоқатни қадрлайди.

Болаликдан миллий адабиёт деган улкан бир “худуд”нинг ичиде ўсган, ҳавосини симирган, кўпчилик ўнлаб, юзлаб китобларни титкилаб топадиган мантиқни, ҳаётни ва фалсафий хулосаларни бувиси, ота-онасининг жайдари гаплари, ўғитлари асосида ўзига сингдирган ўспирин Иброҳим Бухоро давлат университетида таҳсил олади (1966–1970). Баъзан суҳбатларда бу даврларни мароқ билан эсларди. Унинг гапларини тинглай туриб, мен яна аввалги хаёлимга қайтаман: Иброҳим ака Бухорода эмас, бошқа ерда ўқиганда ҳам шундай ҳаяжон билан эслармиди, ўзининг талабалик йилларини? Мен бу савол жавобини билмайман. Ўзидан сўрамаганман ҳам. Бироқ, йўқ, бундай бўлмади, деган жавоб олишим мумкин эди. Аслида ҳам шундай. Иброҳим аканинг Бухорога меҳри бўлакча эди. Ҳар бир хотирасида, ҳар бир ёзган сатрида бу сезилиб, бўртиб туради. Фақат Ватани бўлгани, у ерда таҳсил олгани учун ҳам эмас. Узини топгани, бугун ўзи муқаддас деб билган, алқана ҳаёт қонунлари, ўз ҳақиқатларини англагани учун ҳам, деб ўйлайман.

Бухоро педагогика институти тугатиб, Иброҳим ака бир мuddат “Шофиркон ҳақиқати” газетасида ишлаган. Устоз Тўра Мирзаев айтганидек, Ҳаққул бобо набирасининг бу газетада ишлаши ҳам менга тасодиф эмасдек туюлади. Тўра ака уни шу газетада ишлаб юрган пайтда кўриб олган. Кўлидан тутиб Тошкентга, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимига олиб келган...

Иброҳим аканинг халқ оғзаки ижодининг моҳиятини айрим “фольклоршунос”лардан кўра теранроқ англаши илдизалари болалик чоғида олган таълим билан бирга, устоз Ҳоди Зарифдан қолган улкан мерос ва Тўра аканинг сабоқлари бўлган. Даставвал халқ оғзаки ижоди бўйича илмий иш қилишни режалаштирган Иброҳим Ҳаққул кейинчалик мумтоз адабиёт соҳасига ўтади. Мен шунда ҳам бир ҳикмат кўраман: агар Тўра ака билан танишмаганда эди, Тошкенти азиямга келиб, фольклор бўлимида ишламаганда эди, эҳтимол, мен билган Иброҳим ака бўлмасмиди?

Фольклор шунчаки сўз санъати намунаси эмас, балки халқнинг боқий тарихи ҳам. Адабиёт ва санъатнинг ибтидосидир. Ёзма адабиёт вақилларнинг барчасининг ижоди фольклор билан боғланиди. Улар фольклор ҳақида билимга эга бўлгани ёхуд бошқа сабаблар учун эмас. Балки, шу халқнинг фарзанди бўлгани, туғилганидан то умрининг охиригача шу халқ аъналарини ичиде яшагани учун ҳам унинг ичиде яшайди, азалдан халқнинг удумлари, аъналарини, бобосўзлари тарзида яшаб келаётган оҳанг, рамз, маъно ва мазмун, қатъий тизимни ўзига сингдирди. Бу ҳар бир ижодкорда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Иброҳим ака фольклор бўлимида ишлаб юриб турли жанрларни, жумладан, мақолларни янада теранроқ ўрганган, дostonлар, айниқса, Эргаш Жуманбулбул ўли ижодида ўзига хос меҳр билан ёндашган. Иброҳим ака ўзининг ҳақиқатларини англаётганда кўпроқ фольклор материалларига, айниқса, мақолларга суяниб иш қилишни кўп бор кузатганман.

Иброҳим аканинг Фанлар академияси хузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти институтида кечган ҳаёти катта бир китоб бўлгулики. Аввал “Ўзбек мумтоз адабиётида рубоий” мавзусида номзодлик, сўнгра “Ўзбек тасаввуф шеърининг шаклланиши ва тараққиёти” мавзусида докторлик диссертациясини ёзган. Ўзи орзу қилган илмий даргоҳда оддий бир лаборантликдан етакчи илмий ходим, “Мумтоз адабиёт бўлими” мудириликка бўлган йилни босиб ўтди. Ёлга навоийшунос олим сифатида танилди. Нафақат юртимизда, балки Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Туркия, Хитой, Озарбойжон каби кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам ҳурмат ва эътибор қозонди.

Устозларнинг устозини ҳам, илми пулга сотувчиларни ҳам, мардани ҳам, номардани ҳам, бир умрлик садоқатлиларни ҳам, баҳор хавосига ўхшаб ўзгарувчан, ўз тили билан айтганда, “уйинчи”ларнинг зўрини ҳам шу

ерда кўрди. Шу ерда яна бир қарра ҳаётни таниди, ҳаётда тобланиди. Энг кучли муҳаббатни ҳам, нафратни ҳам шу ерда туғди. Кечагина соясига салом бериб юрба, вақти келганда ўзини олиб қочганларга ҳам, даврада кучоқ очиб, ортидан ғийбат қилганларга ҳам шу ерда гувоҳ бўлди. Бироқ ўзининг ҳақиқатларидан орта чекинмади. Аксинча, янада жасоратли, янада собит бўлишни ўрганди.

Ижодкорни яхшироқ билишининг йўллари билан бири унинг китоблари, асарларига берган номлари ҳамда у ўрганган маззулар билан танишишдир. Баъзан китобнинг номиданоқ унинг мазмун-мундарижаси, савияси ҳақида тасаввуф ҳосил қилиш мумкин. Шу маънода Иброҳим Ҳаққул китоблари ҳам муаллифининг даражасини, билим доирасини, қизиқиши “географияси”ни билдириб туради. “Ўзбек адабиётида рубоий” (1981), “Увайсий шеърини” (1982), “Бадиий сўз шукӯҳи” (1987), “Занжирдан шер қошида” (1989), “Шеърят – рухий муносабат” (1989), “Абадият фарзандлари” (1990), “Қамол эт касбим...” (1991), “Тасаввуф ва шеърят” (1991), “Ғазал гулшани” (Адабий суҳбатлар, 1991), “Ҳожа Ориф Моҳитобон” (1996), “Ирфон ва идрок” (1998), “Тасаввуф сабоқлари” (2000), “Аҳмад Яссавий” (2001), “Ким нимага таянади?” (2006), “Эътиқод ва ижод” (2007), “Навоийга қайтиш. Биринчи китоб” (2009), “Абдулла Қаҳҳор жасорати” (2009), “Тақдир ва тафаккур” (2007), “Мерос ва моҳият” (2008), “Ижод иқлими” (2009), “Навоийга қайтиш. Иккинчи китоб”, “Навоий. Шоҳбайтлар. Биринчи китоб”, “Навоий. Шоҳ байтлар. Иккинчи китоб”, “Навоийга қайтиш. Учинчи китоб” ва ҳоказо.

Олимнинг 30 дан ошиқ китоб, 400 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Ҳар бир китоби, ҳар бир мақоласида ўзи англаган, ўзи ҳақ деб билган ҳақиқатларни баён қилади. Олим ўзининг илк китобида мумтоз адабиётдаги рубоий ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир жанрда шакл ва мазмун, тизим, бадиият ҳам ўзига хос тарзда, яхлитликда намоён бўлишини урғулайди.

“Инсон бадиий тафаккури қотиб қолган нарса эмас, – деб ёзади олим. – У замон ва даврлар ўтиши билан ўсиб, ўзгариб, янги сифатлар билан бойиб боради. Буларнинг ҳаммаси у ёки бу тарзда шеърятда ҳам ўз инфодасини топади. Демак, адабий ҳаётда содир бўлган гоъвий-бадиий тенденциялар моҳиятини кўрсатишда жанр ўзига хос бир кўзгу вазифасини ўташи табиий”. У биргина рубоийни тадқиқ қилмади, балки, мумтоз адабиётда жанрларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти эҳтиш қонуниятлари ҳақида кенг фикр юритди. Илк тадқиқотиданоқ чукр назарий билимга эга, мумтоз адабиёт, умуман, бадиий сўз санъатида меҳри бўлакча бўлган олим кириб келганини илмий жамоатчилик тўла эътироф этган эди.

“Яссавийни йимонни сўзлатган, Йимон тили билан муҳаббатни улуғлаган ижодкор деб баҳоласак, хато қилмаган бўламыз, – ёзади Иброҳим

Ҳаққул. – Чунки Яссавий ҳикматларини Диёнат зиёси ва Йимон шафқати ичидан нурлантириб туради”.

Эътиқоди бўлмаган миллатнинг, деб ёзади фаранг адибларидан бири, адабиёти ҳам бўлмади. Афсуски, шўро тузуми даврида бизнинг мумтоз адабий меросимиз фақат бирёқлама, синфийлик нуқтаи назаридан ўрганилди, баҳо берилди. Намийдин Комиллов, Иброҳим Ҳаққул каби олимлар эса биринчилардан бўлиб тасаввуф адабиётининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилди. Сўнгги қирқ йиллик навоийшуносликни биз бу икки алломасиз тасаввуф эта олмаймиз.

Иброҳим Ҳаққулнинг “Ўзбек тасаввуф шеърининг шаклланиши ва тараққиёти” мавзусидаги докторлик диссертацияси ўз даврида, ҳали тасаввуф теғрасида гумон пардалари тўла кўтарилиб кетмаган замонда дадиллик ва жасорат билан ёзилган илмий тадқиқот эди.

Алишер Навоий ижодини кўплаб олимлар ўрганган. Бироқ улар орасида, ҳеч шубҳасиз, Иброҳим Ҳаққулнинг изланишлари алоҳида ажралиб туради. Бу Иброҳим аканинг мумтоз адабиёт тарихини ёхуд Навоий ижодини чуқур билгани учунгина эмас, балки бошқалардан фарқли равишда биз тасаввуримизга сиғдирга олмаган ҳақиқат, Навоийда ҳам оддий инсоний дардлари кўра олгани, унинг ижодини бугунги кун, бугунги замон дарди билан боғлаб олганида, деб биламан.

Кўпгина ижодкорлар, хусусан, Уйлаим Фолкнер, Хорхе Луис Борхес каби ёзувчилар уларини адиб эмас, шоир деб ҳисоблашади. Бу авлоднинг бир пайтлар шеър ёзгани, шеърый тўпламлар чоп этилгани учун эмас, балки дунёни идрок этишда, англашда, уни қайта ифодалашда шоирона ёндашганиликлари, шоирона кайфият ҳар битигида устувор бўлгани учун. Иброҳим ака ҳам қачонлардир шеърлар ёзганидан хабарим бор. Шеърларини ҳеч қаврада, ҳеч қачон ўқимаганман. Бироқ унинг шоирлиги ҳар бир мақоласи, изланиши, тадқиқотларидан билиниб туради. Балки шунинг учун назмни жуда нозик ва теран тушундирган!

Олим Алишер Навоийни “Туркий сўз лашкарининг мислсиз султони”, “Санъаткорликнинг буюк мактаби. Ҳақиқий мезони”, “Туркий адабиётининг поштакти”, деб атайди. Бу шоирлик эмасми? “Ҳар қандай шоир тақдир, биринчи навбатда, шахс тақдир. Шоир киши умри давомида ўз шахсини ёзади, ўз қисмати, маънавий-рухий олами ҳақида гапирди. Бунга амал қилмасдан чинакам шеърятга эришиш мумкин эмас”, дейди Иброҳим Ҳаққул.

Иброҳим Ҳаққул Ижодкор ва Шахс тушунчасини бир-биридан ажратмайди. Улар яхлит тушунчалар эканини урғулайди. Шунинг учун қайси бир адиб бўлмасин, бу Рудакийми ёхуд Абу Али ибн Сино, Адиб Собир Термизий, Фариддин Аттор, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад Фузулий, Махтумқули, Аҳмад Донши, Робиндрнат Тагор, Намсуд Халлоҷ, Абдулоҳлиқ Ғиждувоний, Ҳожа Ориф Моҳитобон,

Намийдин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандми ёхуд Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Садриддин Айний, Ғафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шукр Холмирзаев, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Рауф Парфи, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Хуршид Даврон, Тилак Жўра, Шавкат Раҳмон каби XX аср ва ҳозирги замон адабиётининг энг етуқ вакиллари ижодини тадқиқ этадимиз, барчасига бирдек ана шу мезондан туриб ёндашади.

Бир гал Иброҳим ака шоир Рауф Парфи ҳақида гапир туриб: “У бир туш эди. Рауф Парфи биз учун туш бўлиб қолди”, деди. Бу нафақат Рауф Парфига, балки Иброҳим аканинг адабий авлодига берилган баҳодек туюлганда менга. Чунки бу авлод вакиллари Иброҳим Ҳаққул, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Усмон Азим, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Давронлар адабиётимизга янги ҳаво, янги нафас олиб кирган, назм, наср ва адабиётшунослик ҳақидаги қарашларимизни ўзгартирган, таъбир жоиз бўлса, ўз даврида адабий жараёнда инқилоб қилган авлоддир.

Биз ўзбек адабиётининг кейинги олтимиш йилини бу ижодкорларсиз тасаввуф кила олмаймиз. Уларсиз адабиёт ҳақидаги қарашларимиз кемтик бўлиб қолади. Бу авлоднинг кучи ҳам, ютуғи ҳам аслида бир авлод эканлигида. Бир-бирига куч, фикр бера олгани, бири иккинчисини тўлдирга олганида. Менинг назаримда, адабиётимизда шу авлоддан кейин авлод шаклланиб кетди; тўғри, иқтидорнинг ижодкорлар етишиб чиқди, бироқ бир авлод бўлиб шакллана олмагандек. Бу авлоднинг мавжудлиги, Иброҳим аканинг ўзи айтгандай, худди бир тушдай, одамнинг базан ишонгиси келмай қолади. Бу авлод ҳали етарлича ўрганилмади, уларга етарлича баҳо берилмади...

Тақдир олис бир қишлоқнинг мендек боласини олий ўқув юртини битираётди. Намийдин Комилловдек диплом иши раҳбарига, Тилак Жўра ва Иброҳим Ҳаққулдек тақризчиларга дуч қилди. Шундан сўнг Иброҳим ака мени етаклаб Фанлар академиясига олиб келган. Мен бугун агар озгина бўлса-да, бирор нарсага эриша олган бўлсам, момом, ота-онам, акам Назар Эшонқул билан бир қаторда устоз Тўра Мирзаев ва Иброҳим Ҳаққул туфайлидир. Уларнинг олдида бир умр қарздорман.

Ўйлаётганим, менга ўхшаб Иброҳим акадек устозларнинг елкасига чиқиб, юлдузни кўзламоқчи бўлган шоирлар кўп. Фақат улар бир нарсани – юлдуз ёхуд оид, кўшга яқинлаб учиб борганида ҳам илдици, асл камон заминлигини, юрагига куч берган, онгига тафаккур оловини ёққан, кўнглига кўр солганларнинг хизмати катталлигини, агар шу олов бўлмаса, устозларнинг меҳри ва дуоси бўлмаса, аслида ҳеч ким бўлмаслигини бир умр унутмасликлари керак.

Жаббор ЭШОНҚУЛ, филология фанлари доктори, профессор

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси жамоалари партия марказий аппарати Илғима ахборот-таҳлил сектори мудири Гулнора Раҳимовага онаси **Ҳафиза ая Аслетдинованин**г вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси **Зиёдулла Жўраевга онаси Гулчехра ая Сафарованин**г вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. Беш муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ. Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уйи. Электрон почта: xxi_asr@mail.uz, xxi_asr@mail.ru. Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табақ. Буюртма рақами: Г – 651 Адади: 4343 Электрон обуна – 1338 Баҳоиси келишилган нарҳда. Топширилди – 20:30

Таҳририятга келган кўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. © “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи қўйилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар **Элёржон Нёъматов, Маъруфжон Раҳмонов** саҳифалади.

ISSN 2181-497X. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456. Навбатчи муҳаррир: Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА